

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

540 Ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида

Халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши муносабати билан, шунингдек ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ қайта кўриб чиқилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини бир ой муддатда, белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги

490-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 3-илова-нинг 1-банди ва 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 декабрь,
312-сон